


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-мартда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 377,4 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 119,3 млрд. сўмни (107,7 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 248,8 млрд. сўмни (106,1 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,6 млрд. сўмни (106,6 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 2,2 млрд. сўмни (124,7 фоиз), овчилик хўжалигида 0,04 млрд. сўмни (100,6 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 1,5 млрд. сўмни (106,3 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда сабзавот 6731 тонна (108,3 фоизга кўп), мева 594 тонна (140,4 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 103,6 фоизга (жами 1012,6 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,6 фоизга (358,5 минг бош), қўй ва эчкилар 102,6 фоизга (834,1 минг бош), отлар 102,8 фоизга (жами 8811 бош), паррандалар 132,7 фоизга (5455,8 минг бош) га кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт

ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 97,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,3 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 87,3 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамол	1012,6	103,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	46,9	107,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	955,8	103,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	9,9	101,0
улардан сизирлар	358,5	100,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	15,6	110,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	340,2	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,7	103,8
Куй ва эчкилар	834,1	102,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	43,1	107,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	785,6	102,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,4	180,0
Отлар	8811	102,8
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1114	109,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	7597	101,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	100	122,0
Паррандалар	5455,8	132,7
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	552,6	109,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3652,4	117,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1250,8	248,8

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,4 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,6 фоизни, шу

жумладан, сигирлар мос равишда 94,9 ва 4,4 фоизни, кўй ва эчкилар 94,2 ва 5,2 фоизни, отлар 86,2 ва 12,6 фоизни, паррандалар 67,0 ва 10,1 фоизни ташкил этди.


2017 йилнинг январь-мартида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 30,5 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 5,7 фоизга кўп), 180,0 минг тонна сут (6,5 фоизга кўп), 71,4 млн. дона тухум (10,0 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари куйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	30,5	105,7
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,1	106,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	28,5	105,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,9	110,6
Сут, минг тн.	180,0	106,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	5,1	106,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	173,7	106,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,2	119,8
Тухум, млн. дона	71,4	110,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	8,1	113,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	54,3	109,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	9,0	110,3

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби куйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 14,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 106,9 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиқларининг улуши 3,7 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжалиқларида 46,9 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 15,6 минг бош сигир, 43,1 минг бош қўй ва эчкилар, 1014 бош от, 552,6 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-март ҳолатига фермер хўжалиқлари томонидан ишлаб

чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-декабрь				2016 январь- мартга нисбатан фоиз хисобида
	2016 йил		2017 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	173	2,8	189	2,8	109,2
Мева	23	5,4	32	5,4	139,1
Гўшт, тирик вазнда	1011	3,5	1081	3,5	106,9
Сут	4829	2,8	5144	2,9	106,5
Тухум, минг дона	7123	11,0	8115	11,4	113,9
Жун	39	42,4	41	39,8	105,1